

## **UZUMDA UZIDAN CHANGLANIISH XUSUSIYATLARI**

**Юсупова Ф.М., Юсупов А.Қ., Шойзақов Д.М., Собитов О.С.**

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти

**Аннотация:** Мақолада узумнинг етарли даражада чангланишининг сабаблари кўрсатилиб . Икки жинсли ва функционал оналик гулли узумнинг турли навларида ўзидан чангланишнинг қиёсий натижалари келтирилган.

**Калит сўзлар:** Узум, гул, ғўжум, тугунчалар, чангчилар, ҳарорат,

**Аннотация:** В статье отражаются причины недостаточного опыления гроздей винограда. Приводятся сравнительные показатели самоплодности у сортов винограда с обоеполыми и функционально женскими цветками.

**Ключевые слова:** Цветок, гроздь, узлы, опылители, температура, виноград.

**Annotation:** The article reflects the causes of insufficient pollination of grapes. comparative indicators of self-fertility in grape varieties with bisexual and functional female flowers are given.

**Key words:** Flower, bunch, knots, pollinators, temperature, grapes.

Узумнинг ўзини ўзи чанглата олиш хусусиятлари қимматли хўжалик белгиларидан бири ҳисобланади. Узумнинг гуллари ва гул тугунчаларининг тукилиши ва ғўжумларнинг майдалишиб кетиши узум боши ва ҳосилнинг камайиб кетишига олиб келади, ёки узум бошларининг сийраклашишига ва майда аччиқ ғўжумларнинг кўпайишига ҳам сабаб бўла олади. Тўпгулларда ғунча ва тугунчаларнинг сони кўп бўлганлиги сабабли, ўсимлик оптимал шароитларда ҳам барча тугунчаларини пишиш даражасига олиб бора олмайди. Шунинг учун узумда гуллар ва тугунчаларни бир қисми тўкилиши ҳолати кузатилади. Узум гуллаш даврида агротехник ва об-ҳаво шароитларининг ёмонлиги: ҳавонинг қуруқ келиши, қаттиқ шамол, паст ҳарорат, ёғингарчлик чангланиш ва уруғланиш жараёнини пасайишига олиб келади. Чангланиш учун энг оптимал ҳарорат 20-30 градус ва 70-80% намгарчиликдир.

Ҳосилдорик, сифатли ҳосил ва узум бошининг ташқи кўриниши чангланишга боғлиқдир. Узум бошининг сийраклигига кўпроқ оналик функционал гулли узум навларида кузатилди. Гули икки жинсли бўлган навларда ҳам гуллар ва тугунчаларнинг бир қисми тўкилиши табиийдир, чунки бундай тукилишлар узум навларига хос хусусиятдир.

Ўзидан чанглана олиш хусусиятини ўрганиш навларда чангланиш қобилияти ва унинг даражасини аниқлашга имконият беради. Бу хусусиятларни ўрганиш учун тўпгулларга гуллашдан олдин изоляция пакетлари ёки халтачалар кийдириб қўйилади. Ғўжумлар майда ноҳатчалардек бўлганда уларни ечиб олиб тўкилган ғунчалар, тўгунчалар, аччиқ ва нормал ғўжумлар сони ҳисоблаб чиқилади. Нормал ғўжумларнинг кўплиги, бу нав ўзини ўзи чанглата олишини англатади, бундай кўрсаткичлар кўпроқ гули икки жинсли бўлган навларда кўзатилади. Бу навларнинг узум бошлари тўлиқ ва зичлашганлиги билан ажралиб туради.

Функционал оналик гули навларда эса аксинча, нормал ғўжумлар кўрастакчлари анча паст бўлиб, уларни ўзини ўзи чанглата олиши ва уруғланиш қобилияти кучсизликдан далоат беради. Бундай навларнинг узум бошлари жуда сийрак ёки майда ғўжумлардан ташкил топганлиги кузатилади.

УГРИТИ узум коллекциясида гули икки жинсли бўлган намуналар коллекцияни асосий қисмини ташкил этади, булардан: Сурхак китабский, Волга Дон, Султани, Васарга белая, Маска гиссарская, Хусайне белый, Кара калтак, Ризамат, Паркент, Тайфи розовый, Кара палван, Джура узум, Хусайне келин бармак.

## 1-YO‘NALISH: AGROBIOXILMA-XILLIKNI O‘RGANISH, SAQLASH VA BOYITISHI MUAMMOLARI

Шунингдек, Советский столовый, Хурмани қизил ва бошқа навлар, ўзининг ажойиб харидорбоб кўриниши ва ёқимли мазаси билан ажралиб туради. Бу навларнинг алоҳида узум боғлари барпо этиш тавсия этилади.

Шу билан бир қаторда коллекциясида оналик функционал гулли навлар ҳам мавжуд. Уларнинг қимматли белгилари шундан иборатки бундай гулли навларнинг узум бошларининг катталиги, меваларининг йириклиги, ажойиб мазаси ва сифатидир. Шунини айтиб ўтиш керакки, айрим ноқулайликларга қарамай илмий тавсиялар асосида боғлар барпо этиш мумкин. Бунинг учун экиш даврида кўчатлар оралиғига, экилаётган навлар билан гуллаш даври бир хил бўлган, чанглатувчи навларни экиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бажарилган тадбирлар узумларни сифатли чангланишига олиб келади ва ҳосилдорликни ҳамда сифатли ҳосилни кафолатлайди.

Функционал оналик гулли бўлган бир қатор хураки узум навлари, Ичкимар, Нимранг, Катта курган, Кара султани, Вассарга черная, Чарас, Нулизак, Оли коки, Сачал кара ва бошқа кўплаб навлар буларга мисол бўла олади. Бу узум навлари харидорбоб бўлиб аҳоли томонидан севиб истеъмол қилинади. Жадавлда турли тип гулларга мансуб айрим хураки узум навларининг ўз ўзини чанглата олиш даражаси кўрсатиб ўтилган (жадвалга қаранг).

### Турли тип гулларига мансуб айрим хураки навларнинг ўзини ўзи чанглата олиши хусусиятлари

*Жадвал*

№	Навларнинг номи	Туп гулдаги гуллар сони дона	Тукилган ғунчалар %	Ачиқ ғужумлар %	Тулиқ ривожланган резаворлар %	Нормал ғужум %
<b>Гули икки жинсли навлар</b>						
1	Султани	387	35.4	23,7	2,2	38,7
2	Хусайне белый	403	31.7	36,2	0,7	29,9
3	Кара калтак	376	31.9	32,1	2,6	33,4
4	Ризамат	411	29.8	30,9	3,1	36,2
5	Джура узюм	407	38.0	30,2	2,0	29,8
<b>Функционал оналик гуллар</b>						
1	Ичкимар	485	85.6	3.8	7.8	1.8
2	Нимранг	418	77.7	4,9	14,7	2,7
3	Катта-курган	423	85.0	2,7	10,0	2,3
4	Сачаль кара	389	83.1	3,6	11,7	1,6
5	Чарас	392	85.7	1.9	9,9	2,5

Кўриниб турибдики, гулли икки жинсли навларда жами шаклланган гулларга нисбатан ҳосил бўлган нормал ғужумлар миқдори 29-30 % ташкил этади. Аксарият функционал оналик гулли навларда эса бу кўрсаткичлар 1,6-2,7 % оралиғида бўлиб, чангланиш даражасини паст эканлигини тасдиқлади.

### Адабиётлар

1. Л.П. Трошин, Н.А. Свирденко Устойчивые сортов винограда. Симферополь, "Таврия", 1988 г,
2. Негруль А.М. Ампелография с основами виноградарства Москва: Книга по Требованию, 2021.,
3. Ш. Темеров Узумчилик. Ўзбекистон миллий энциклопедияси «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти ТОШКЕНТ – 2002.,
4. Хайдаркулов Г.И. Лучшие столовые и киш-мишно-изюмные сорта винограда “фан “узбекистан ССр 1964 ”